



## ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДАГИ АГРАР ТЕРМИНЛАРДА ЎЗ ҚАТЛАМ ВА ЎЗЛАШМА ҚАТЛАМ

*Бурхонова Гўзал Мухаммадиевна*

*Тошкент давлат аграр университети Ўзбек тили ва адабиёти  
кафедраси доценти*

**Аннотация:** ушбу мақолада ўзбек ва рус тиллари изоҳли лугатларидаги аграр терминларнинг ўз қатлам ва ўзлашма қатлами таҳлил қилинган, “терминэлемент” тушунчасига таъриф берилган, терминларни ўзлаштириш усуллари ёритилган, тилларда ўзлашма қатлам шаклланишининг ижтимоий-сиёсий омиллари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** ўз қатлам, ўзлашма қатлам, терминэлемент, гибрид терминлар, дублет ўзлаштириш, реципиент тил.

**Аннотация:** в данной статье проанализированы исконный и заимствованный пласты аграрных терминов в толковых словарях узбекского и русского языка, дана характеристика понятию “терминэлемент”, освещены способы заимствования терминов, раскрыты общественно-политические факторы формирования исконного и заимствованного пластов.

**Ключевые слова:** исконный пласт, заимствованный пласт, терминэлемент, термины-гибрид, дублетное заимствование, язык-реципиент.

Турли халқлар ўртасида қадим-қадимдан иқтисодий, маданий ҳамда илм-фан борасида алоқалар мавжуд бўлган. Бу алоқалар нафақат бир-бири билан қўшни бўлган, ўхшаш тилларда сўзлашган халқлар орасида, балки бир-бирларидан ўн минглаб километр масофаларда ҳаёт кечирган, умуман бошқа-бошқа тилларда сўзлашган халқлар орасида ҳам ўрнатилган. Савдогарлар карвонларда, денгиз орқали кемаларда минглаб чақирим йўл



босиб молларини сотиш учун олиб боришган, ўзга юртлардан ўзларида йўқ молларни олиб келишган. Илм излаганлар ҳам дунё кезишган, илмни тарқатишган, уни ривожлантиришган. Бу алоқалар, ўз навбатида, табиий равишда тилларда ўзлашма қатламларнинг шаклланишига хизмат қилган. Четдан кириб келган предметлар, ихтиролар, тушунчалар агарда халқда бўлмаган бўлса, тилда уларнинг номлари ўрнашиб қолган, ўзлаштирган тил қоидаларига кўра ўзгаришларга учраган. Шунингдек, тилларда ўзлашма қатламларнинг шаклланиши ва ривожланишига сиёсий жараёнлар, яъни бир халқ томонидан ўзга ерларнинг босиб олиниши, асрлар мобайнида давом этган мустамлакаликлар ҳам катта роль ўйнаган.

Масалан, А.Цурко 1066 йилда Вильгельм I томонидан Англиянинг босиб олиниши ва кейинги 400 йил мобайнида француз мустамлакасига айланиши француз тилидан инглиз тилига ўзлаштирилган сўзларнинг оз эмас, кўп эмас 29% ни ташкил қилишига сабаб бўлганини қайд этади. Инглиз тилидаги ўзлашма қатламни тадқиқ этиши натижасида олинган статистик маълумотларни келтирар экан, инглиз тилидаги ўзлаштирилган сўзлар 80 % ни ташкил қилишини, шундан 29% ни лотин тилидан ўзлаштирилган сўзлар, 29 % ни француз тилидан, 6% ни юнон тилидан ва қолгани бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ташкил қилишини” ёзади.

Инглиз тилидаги ўзлашмалар устида тадқиқот олиб борган Ж.Н.Сарангаева ва Л.В.Держиновалар ҳам инглиз тили ўзининг тарихий ривожланиш жараёнида 50 дан ортиқ тиллардан сўзлар ўзлаштирганини<sup>1</sup> қайд этишади. Тадқиқотчилар бу тиллар орасида лотин, француз, итальян, голланд, рус, немис ҳамда шарқ тилларидан ўтган ўзлашмалар кўпчиликлари ташкил қилиши ҳамда тадқиқотчилар берган маълумотларга кўра замонавий инглиз тилида туб сўзлар лексиканинг атиги 30 фоизини ташкил қилишини ёзадилар. Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, инглиз тили ўзлашма сўзларга энг бой тил. Инглиз олими Р.Д.Траск ҳам инглиз тилининг

<sup>1</sup> Сарангаева Ж.Н., Держинова Л.В. Роль заимствований в английском языке / Вестник Калмыцкого университета. 2015г. №3(27). – 22-26 с. – С.24. Электрон ресурс: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-zaimstvovaniy-v-angliyskom-yazyke/viewer>. Мурожаат санаси: 01.09.2024.





жуда кўп тиллардан минглаб сўзларни “қарз олганини” ва бу жараён ҳали ҳам давом этаётганини таъкидлайди.

Н.А.Шербоев ҳам “Инглиз тилидаги шарқ тилларидан ўзлашган сўзларнинг семантик хусусияти” деб номланган мақоласида ҳам юқоридаги маълумотларни тасдиқлайди: “Агар кимдир инглиз тилини билмасдан француз, итальян, лотин ёки испан тилини биладиган бўлса, инглиз тилида гаплашаётган одамни кўрса ёки инглизча мусиқа эшитадиган бўлса ёки бўлмаса, инглизча китобни varaқлаб кўрадиган бўлса, инглиз тилининг катта қисмини тушунади деб бемалол айтишимиз мумкин”<sup>2</sup>.

А.А.Реформатский “Введение в языковедение” номли классик дарслигида шундай ёзади: “Терминлар қаердан олинмасин ва ҳар қандай хусусиятлари (фонетик, грамматик) билан ажралиб турмасин, улар мазкур тилнинг сўз бойлигига қўшилади ва унинг фонетик, грамматик тузилишига бўйсунади”<sup>3</sup>.

Ўзлаштириш жараёнида қабул қилаётган тил учун ноодатий бўлган жиҳатлар: товушлар бирикмаси, алфавитда мавжуд бўлмаган ҳарфлар олиб ташланади ва тилга хос бўлган хусусиятлар берилади. Масалан, ўзбек тилида икки ёки ундан ортиқ ундош ҳарфнинг ёнма-ён келиши ноодатий ҳол. Шу сабабли рус тилидан ўзлаштирилган *клубника*, *кровать* сўзлари ўзбекчада *қулуннай* ва *каравотга* айланган.

Чет тиллардан сўз ўзлаштиришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. *Бевосита ўзлаштириш*. Бунда ўзлаштириш икки тил иштирокида амалга оширилади. Реципиент тил, яъни қабул қилувчи тил ўзи билан алоқада бўлган тилнинг лексик таркибидан сўзни қабул қилади.

2. *Билвосита ўзлаштириш*. Бундай ўзлаштиришда учта тил иштирок этади. Дастлаб бевосита ўзлаштириш ёрдамида бир тилдан иккинчи тил сўз

<sup>2</sup> Шербоев Н.А. Инглиз тилидаги Шарқ тилларидан ўзлашган сўзларнинг семантик хусусияти / Экономика и социум, №6 (85) ч.1., 2021. 256-261 б. — Б.256. Электрон ресурс. <https://cyberleninka.ru/article/n/ingliz-tilidagi-shar-tillaridan-zlashgan-s-zlarning-semantik-hususiyatlari/viewer>. Мурожаат санаси: 01.09.2024.

<sup>3</sup> Реформатский А.А. Введение в языковедение. Классический учебник. — Москва: АСПЕНТ ПРЕСС, 1996. — 274 с. — С.118.



ўзлаштиради, сўнгра эса реципиент тилдан бу сўзни учинчи тил ўзлаштиради.

3. *Дублет ўзлаштириш*. Бир манбага тегишли бўлган ўзакдош сўзларнинг ўзлаштирилиши.

4. *Тескари ўзлаштириш*. Бунда бир тилдан бошқа тилларга тарқалиб кетган сўз бир қанча ўзгаришларга учраб яна ўз манбасига қайтади.

С.В.Гринёв терминларни ўзлаштиришнинг “*аралаш*” тури ҳақида ёзади. Аралаш ўзлаштиришда лексеманинг бир қисми ўзлаштирилади, иккинчи қисми таржима қилинади ёки тилда аввалдан мавжуд бўлади. Бу ўзлаштириш усули *гибрид* деб ҳам аталади<sup>4</sup>.

Бошқа тиллардан нафақат алоҳида сўзлар, терминлар, балки терминларда такрорланиб келадиган маълум бир элементлар (терминэлементлар), шунингдек, алоҳида морфема, сўз бирикмаси, фразеологик бирликлар ҳам ўзлаштирилиши мумкин.

Мазкур тадқиқот ишида С.И.Ожегов ва Н.Ю.Шведованинг “Рус тилининг изоҳли луғати” ҳамда А.Мадвалиев таҳрири остидаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги қишлоқ хўжалигига оид термин ва сўзларнинг ўз қатлам ва ўзлашма қатламлари таҳлил қилинди. Рус тилининг изоҳли луғатида сўзларнинг ўзлашма эканлиги, қайси тилдан олинганлиги умуман кўрсатилмаган. Рус тилининг изоҳли луғатидан фарқли ўлароқ А.Мадвалиев таҳрири остидаги ўзбек тилининг изоҳли луғатида ўзлашма сўзларнинг қайси тилдан олинганлиги, ўша тилда ёзилиши кўрсатилган бўлиб, бу мазкур луғатнинг шу жиҳатдан устунлигини кўрсатади. Шу билан бирга, рус тилидаги ўзлашма терминларни аниқлаш муаммосини ҳал қилишда ҳам ўзбек тилидаги ўзлашма терминларни аниқлаш, уларнинг С.И.Ожегов, Н.Ю.Шведовалар луғатида борлигини текшириш усулидан фойдаланилди.

Ўзбек ва рус тилининг изоҳли луғатларида 7 та терминэлемент билан иштирок этган мураккаб терминлар аниқланди, булар *агро-, фито-, микро-, супер-, моно-, ихтио-, зоо-.* *агро-* терминэлементи билан фақат қишлоқ

<sup>4</sup> Гринёв С.В. Введение в терминоведение. – М.: Московский лицей, 1993. – 309 с. – С.234.



хўжалигига оид терминлар, қолган терминэлементлар билан эса турли хил соҳаларга оид терминлар ясалади, маалан: *фитобар, гидрофобия, суперакция, микрорайон* ва ҳоказо.

Кузатишлар натижасида қуйидагилар аниқланди:

“*гибридлаш*”, “*гибридламоқ*” аралаш (гибрид) терминлари “*гибрид*” терминига ўзбек тилидаги *–лаш, –ламоқ* морфемаларини қўшиш орқали ясалган бўлиб, иккала термин ҳам бир маънони беради ва рус тилида битта “*гибридизация*” сўзи билан тақдим этилган;

ўзбек тилининг изоҳли луғатидаги “*зоотехника*” термини рус тилининг изоҳли луғатида дублет терминлар “*зоотехника, зоотехния*” билан берилган;

ўзбек тилининг изоҳли луғатидаги “*акклиматизация*” термини ҳам рус тилининг изоҳли луғатида бир-биридан нисбатлари бўйича фарқ қилувчи иккита феъл билан берилган: “*акклиматизировать* (аниқ нисбат), *акклиматизироваться* (мажҳул нисбат)”;

рус тилининг изоҳли луғатида “*агро+промысле-нн-ый, вегетаци-онн-ый, ирригаци-онн-ый*” реципиент тил сўз ясовчи суффикс ва қўшимчалари ёрдамида ясалган гибрид терминлар ўзбек тилининг изоҳли луғатида “*агросаноат* (от, сифат: *агросаноат мажмуи*), *вегетатив* (сифат: *вегетатив новдалар*), *ирригацион* (сифат: *ирригацион иншоотлар*)” терминлари билан тақдим этилган бўлиб, ўзбек тилининг грамматик қоидаларига мослаштирилганини кўриш мумкин. Бунда рус тилидан билвосита ўзлаштиришда “*агропромышленный*” гибрид терминининг русча “*промышленный*” қисми “*саноат*” сўзи билан алиштирилган, “*вегетатив*”, “*ирригацион*” сўзлари эса суффикс ва қўшимчаларни олиб ташлаш йўли билан ясалган;

“*микроклимат*” термини билан бир қаторда ўзбек тилининг изоҳли луғатидан иккинчи қисми араб тилидан ўзлашган “*микроиқлим*” гибрид термини ҳам ўрин олган;





Ўзбек тилининг изоҳли луғатидаги “инкубатория” ҳамда рус тилининг изоҳли луғатидаги “инкубаторий” сўзларида ҳам қўшимчалар орасидаги фарқни кўриш мумкин. Бу терминнинг дастлаб рус тилига ўзлашганини ҳисобга оладиган бўлсак, грамматик жиҳатдан “инкубаторий” мужской родга, “инкубатория” эса женский родга тегишли, бироқ семантик жиҳатдан иккаласи ҳам “тухумдан сунъий йўл билан жўжа ёки пилла қурти очириладиган жой”<sup>5</sup> ни билдиради.

Халқаро терминларнинг катта қисми лотин ва қадимги юнон тилларидан ўзлаштирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, “агросаноат”, “агропромышленность”, “агропромышленный”, “агрохимия”, “агрохимё”, “акклиматизация”, “суперфосфат”, “гектар”, “микроиқлим”, “микроклимат” компонентлари турли тиллардан олинган гибрид терминлар, “компост”, “сорт”, “ферма”, “центнер”, “плуг”, “гектар”, “тамаки”, “табак” терминлари эса билвосита ўзлашмалар ҳисобланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қишлоқ хўжалигига оид кундалик ҳаётда ишлатиладиган умумистеъмол сўзлар орасида рус, форс, араб тилидан кириб келган ўзлашма сўзлар ҳам катта гуруҳни ташкил қилади. Булардан форс тилидан ўзлашган сўзлар сон жиҳатдан устунликка эга. Масалан, форс тилидан қишлоқ хўжалигига оид қуйидаги сўзлар ўзлаштирилган: *анор, анжир, баргрэзон, бачки (ўсимликдаги ортиқча новдалар: илдиз бачкилар), баҳорикор, баҳорий, беҳи, биринч (гуруч), бодиён (арпабодиён), бодом, бог, бута, гарма (эртапишар қовун нави), гармдори, гармсар – гармсел, гаваз (сигир: катта, зотдор), гилос, говмиш (кўп сут берадиган сигир), гул, дарахт, девзира (гуруч), дасткола, девпечак, думбул, дурагай, жут, жўяк, заранг (қаттиқ ер), зараркунанда, зардоли (ўрик), кади (қовоқ), каллак (шоҳлари кесилган дарахт: каллакланган тут).*

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2006-2008. – 211-б.



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- 1.Сарангаева Ж.Н., Держинова Л.В. Роль заимствований в английском языке / Вестник Калмыцкого университета. 2015г. №3(27). – 22-26 с. – С.24.  
Электрон ресурс: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-zaimstvovaniy-v-angliyskom-yazyke/viewer>. Мурожаат санаси: 01.09.2024.
- 2.Шербоев Н.А. Инглиз тилидаги Шарқ тилларидан ўзлашган сўзларнинг семантик хусусияти / Экономика и социум, №6 (85) ч.1., 2021. 256-261 б. – Б.256. Электрон ресурс. <https://cyberleninka.ru/article/n/ingliz-tilidagi-shar-tillaridan-zlashgan-s-zlarning-semantik-hususiyatlari/viewer>. Мурожаат санаси: 01.09.2024.
- 3.Реформатский А.А. Введение в языковедение. Классический учебник. – Москва: АСПЕНТ ПРЕСС, 1996. – 274 с. – С.118.
- 4.Гринёв С.В. Введение в терминоведение. – М.: Московский лицей, 1993. – 309 с. – С.234.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2006-2008. – 211-б.

